



*Жаҳон зироатчилиги тажрибасидан*

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ:
## НАРХНИ ЭҲТИЁЖ БЕЛГИЛАЙДИ

***Хат-саводи бор киши борки, ушбу сатрларни ўқиган ва ёд олган, албатта:***

***Билмаганини сўраб ўрганган олим,***
***Орланиб сўрамаган ўзига золим...***

***Аммо, очиғи, мустақил ҳаёт билан ҳамнафас бўлибгина тушуниб етдик бу сўзлар мағзига. Англадикки, киши канча кўп билса, шунчалар оз билишлиги маълум бўлиб бораверади.***

***ЕИҲ ТАСИС лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида тузилган ФАПУ маслаҳат гуруҳи маҳаллий эксперти, Тошкент давлат аграр университетининг макроиқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди Санжар МАНСУРОВ билан мулоқот бизга ушбу ҳақиқатни яна бир карра эслатди.***





— Еб етганга тоғ ҳам чидамайди. Лекин шундай бир мўъжиза ҳам борки, силаб-сийпаласангиз, ҳурматини жойига қўйсангиз, у ҳеч қачон сизни марҳаматидан дариғ тутмайди. У ердир, — дейди олим. — Яқинда АҚШнинг Калифорния штатида бўлиб, деҳқончилик билан яқиндан танишиб, ростини айтсам, қойил қолдим. Айни вақтда чуқур ўйга толдим ҳам, нега бизда шундай қилиш мумкин эмас, деб. Тўғри, бу ютуқлар дабдурустдан — икки-уч йилда қўлга киритилмаган. Бироқ шундай кунларга етгунча йўл-йўлакай улар йўл қўйган хато-камчиликларни четлаб ўтиш имкони бор-ку, бизда!

Штатнинг табиий-иқлим шароити бизникига қисман ўхшаш, кўплаб қишлоқ хўжалик экинларидан йил бўйи, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда 3-4 марта ҳосил олиш мумкин. Ёзда ҳарорат 40-45 даража иссиқ, қишда эса деярли қор ёғмайди.

Ер заҳираларидан оқилона фойдаланилади, ҳосилдорлик ғоят юқоридир. Фермер хўжаликлари ўртача 180 гектар ерни ташкил этади. Экиладиган майдонларнинг ҳажми қандай маҳсулот етиштирилиши билан бевосита боғлиқ. Бири катта, бири кичик. Масалан, пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари тахминан 10 минг гектар, боғдорчилик-узумчилик ва полиз экинларига ихтисослашган фермер хўжаликлари 80 гектардан 400 гектаргача майдонда деҳқончилик қиладилар. Қулупнай 25 гектаргача, қўзиқорин эса 0,25 гектаргача катталикдаги ерларда етиштирилади ва ҳоказо.

— Ривожланган мамлакатларда, хусусан АҚШда тармоқ юксак даражада механизациялашган. Биз ўрганишимиз лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу барча ишлар бозор эҳтиёжидан келиб чиқиб амалга оширилишидир.

— Чиндан ҳам бу жуда муҳим масала. Тармоқнинг ривожланишини бозор талабларидан айрича ҳолда тасаввур этиш қийин. Қаерда бу нарса яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда меҳнат қадр топади. Шунинг учун АҚШда нафақат ташқи бозор, шу билан бирга ички бозор эҳтиёжлари қатъий назорат остидадир. Бозорларда узилиш бўлмаслиги, айни вақтда маҳсулот оқиб келишига йўл қўймаслик — бу қонуниятга оғишмай амал қилинишини самарасини биз хусусан, АҚШ мисолида яққол кўрамиз.

Талаблар мезони — маркетинг иши мунтазам равишда ўрганиб борилиши фермерларга ўз маҳсулотларини муайян ҳажмда ва нархда сотиш имконини беради. Бу уларнинг даромади мўътадил бўлиши ва турли кўзда тутилмаган сакраш-шўнғишлардан муҳофазаланишини кафолатлайди. Тиниб-тинчимас ва омади чопган фермерлар маҳсулот етиштириш билангина қаноатланмай, қайта ишлаш, сақлаш, ўз маҳсулотларни савдо фирмалари, ресторонлар ва давлат муассасаларига етказиб бериш каби юмушлар билан ҳам шуғулланадилар.

Хуллас, бозор иқтисоди, бу баъзи кишилар ўйлагандек ҳар ким билганини қилади, ҳеч ким ҳеч кимга ҳисоб бермайди, дегани эмас. Муносабатлар занжиридан бирор ҳалқа тушиб қолса, бутун тизим издан чиқишини америкалик фермерлар яхши биладилар. Келгуси йилда қайси маҳсулот харидоргир бўлишидан тортиб, эртаға бу масала юзасидан қаерга мурожаат қилиш ва кимлар билан учрашиш даркорлиги каби оддий масалалар ҳам ҳеч қачон уларнинг ёдидан чиқмайди. Тадбиркорлик ва жиддий муносабат-америкаликларга хос бўлган хусусиятдир.

— Бу йил деҳқон сабзидан «топди». Июль-август ойларида ҳатто килоси 80 сўмга чиқди сабзининг. Лекин пул экан, деб жимжилоқдек сабзиларни 40 — 50 сўм деб турганларни ҳам кўрдик, бозорда.

— Инсоф ва меъёр унутилган жойда шунақаси ҳам бўлиб туради. Буни ҳар сафар у ёки бу маҳсулот-ўрикдан тортиб ҳандалаккача ва ундан у ёғи узумга қадар думбул — хом ҳолида бозорга келтирилганлигини кўп кузатганмиз. Илгарилари ички бир назорат ҳисси бунга йўл бермас эди. Аммо, афсуски, кейинги пайтларда... Бу ҳол ўйлайманки, вақтинча. Тартиб-интизом ва мунтазам назорат мудраган виждонларни уйғотиб юборса, ажаб эмас.

Дарвоқе, суҳбатимиз мавзуси бўлган Америка деҳқончилигида сифатсиз маҳсулотни бозорга олиб чиқиш умуман ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Шунинг учунки, аввалам бор бундай ҳол юз беришига йўл қўйилмайди, қолаверса, харидорни бир марта ранжиттан фермер «кетмонўроғи»ни йиғиштираверишй мумкин. Ундан бошқа ҳеч ким ҳеч нарса харид қилмайди. У «синади».

АҚШда аудиторлик асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини инспекция қилиш бўйича хизмат фаолият кўрсатади. Фермерлар ва истеъмолчиларнинг далолатномасига кўра нодавлат секторда шундай хизматни тузиш фикри 60-йилларда ҳукумат томонидан маъқулланган эди. Мазкур хизмат ишлаб чиққан стандарт маҳсулот ранги, ҳажми, қуруқлиги, намлиги ва ҳоказолар асосида саноатчилар ва истеъмолчиларга маҳсулотнинг бирламчи нархини белгилаш имконини беради.

Инспекция хизмати қайта ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек фермерларнинг ўзлари томонидан ҳам жалб қилиниши мумкин. Бунда хизмат ҳақини буюртмачи тўлайди. Шу ўринда бизнинг кўпгина ўқувчиларимизга ғалати туюлган жиҳат, нега фермер ўз-ўзини тутиб бераётгани, боз устига бунингучун ҳақ тўланаётганлигига изоҳ берсам. Гап шундаки, маҳсулотнинг текширувдан ўтказилиб ўз баҳосини олиши мажбурий бўлмаса-да, унинг кейинги тақдири кўп ҳолларда шунга боғлиқ. Яъни, маъсулот ўлчамидаги «текширилди» деган махсус белги унинг харидоргирлиги учун кафолат вазифасини ўтайди. Бу белгисиз ҳар қанча чиройли ва янги бўлмасин, маҳсулот истеъмолчисини тополмаслиги мумкин. Шуни айтиш жоизки, бу инспекция доимий ишловчи тажрибали мутахассислар (катта йўриқчилар) бошчилигида ва айни мавсум чоғида инспекция хизмати қошида ташкил этилган махсус ўқув курсларини битирган мавсумий йўриқчилар томонидан амалга оширилади.

Фақат бугина эмас, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибида, маҳсулотлар етиштириладиган жойларда холислик асосида ва қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар қошида ҳам шундай инспекциялар мавжуд. Агар буларга қўшимча тарзда маҳсулотларда зарарли моддалар, инфекция ва ҳоказолар бор-йўқлиги юзасидан ўрнатилган давлат инспекцияси ҳам мавжудлигини эслатсак, ўйлайманки, истеъмолчи манфаатлари нақадар зийраклик билан муҳофаза қилиниши маълум бўлади.

Назоратнинг бу қадар изчил олиб борилиши пировард оқибатда фермерлар ўртасида соғлом рақобат бўлиши ва маҳсулот сифати яхшиланиб боришини таъминлайди.

— Далаларда пишиб етилган ёки боғларда ял-ял ёниб турган серҳосил меваларнинг ҳаммаси ҳам, афсуски, истеъмолчига етиб бормайди. Деҳқон билан харидор ўртасидаги ҳар хил ғовлар ҳамон маҳсулот сифатига ва нархига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу масала АҚШда қандай йўлга қўйилган?

— Ҳеч бир муболағасиз мева-сабзавот маҳсулотлари билан улгуржи-чакана савдо қилиш жуда тараққий этган, деб айтишимиз мумкин. Лос-Анжелес шаҳрида жойлашган улгуржи-чакана мева-сабзавот компанияси 1920 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Унинг савдо майдони 12 гектар майдондан иборат ҳудудни эгаллаган бўлиб, йиллик мол айланмаси 3,5 миллиард долларни ташкил этади. Муайян муддатда истеъмолчининг у ёки бу маҳсулотга бўлган талабидан келиб чиқиб, кўтара савдо йўли билан сотиб олинган юк белгиланган манзилга ўз вақтида олиб борилади.

Компания бир томондан фермерлар билан, иккинчи томондан мева-сабзавот буюртмачилари билан мунтазам алоқани йўлга қўйган ҳолда ишлайди. Буюртмачилар истаганча топилади: супермаркетлар, ресторанлар, жамоатчилик ва давлат муассасалари... Мазкур муассасалар фаолияти одатда аҳолининг мева ва сабзавотга бўлган ўзгарувчан эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондириш замирига қурилгандир. Хоҳиш-истакларнинг ҳар хиллиги савдо муассасаларининг ҳам, улгуржи-чакана савдо ташкилотларининг ҳам тинимсиз ҳаракатда, изланишда бўлишлигини тақозо этади. Баъзан маҳсулотнинг бошқа турига бўлган эҳтиёж ортиши сабабли тайёрлаб қўйилган мол сақлаш учун барча шарт-шароитларга эга бўлган омборхоналарга узоқ муддатга топширилади. Бир мунча ушлаб қолинган маҳсулотни гоҳо тайёрлаш чоғида белгиланган нархдан пастроққа ҳам сотишга тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, баҳони эҳтиёж белгилайди.

Урганишимиз керак бўлган яна бир жиҳатга эътиборингизни тортаман. Маҳсулотларни кўтара сотиб олиш тунда, кеч соат 1 дан эрталаб соат 8 га қадар амалга оширилади. Маҳсулот солинган идишларда албатта синов инспекцияси белгиси бўлиши шарт. Бу операция сотиб олинган маҳсулотга масъул бўлган воситачилар иштирокида поёнига етказилади. Уларнинг айримлари ўз фермерлик хўжаликларига эга бўлиб, маҳсулотларини компания шохобчалари орқали истеъмол бозорига тақдим этадилар.

Уйлайманки, Девис шаҳрида жойлашган «Женерал продюс» савдо-харид фирмасининг ўзига хос тажрибаси ҳам юртдошларимизда қизиқиш уйғотади. Унинг йиллик мол айланмаси 40-45 миллион долларни ташкил этади. Мазкур фирманинг ўзига хослиги шундаки, у юқори сифатли маҳсулотларни жуда қисқа фурсатларда, ўртача бир-икки кун ичида тўғридан-тўғри истеъмолчига етказиб беради. Бундан ташқари кунига жаҳоннинг қарийб барча мамлакатларидан 300-400 тонна янги узилган мева-сабзавот олиб келинади.

Қачонлардир бизда ҳам бу нарсалар амалга ошади, албатта. Лекин, қачон? Ҳамма гап шунда, пала-партиш хатти-ҳаракатларни бас қилиб, ақл-фаросат билан иш юритсак, ота-боболаримиз ўгитларига қулоқ осиб, инсоф-диёнат кўзи билан ҳар ишга қўл урсак, бозорларимизга янада файз-барака киришига шубҳа йўқ. Бу нарса, аввалам бор деҳқонга, қолаверса, ўртада турган воситачиларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Энг муҳими, нарвоннинг тепасига бирдан чиқишга ошиқмайлик, аста-секин бўлса-да, ишонч билан фақат олға боришга не етсин.

**Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ.**

## АНТИҚА ДАРАХТ

Хитойнинг Хубэй вилоятида антиқа тут дарахти муҳофазага олинган. Унинг асосий танасидан икки дарахт ўсиб чиққан. Улардан бири Ява сумохи деб аталадиган дарахт бўлиб, иккинчиси сарвдир.

500 ёшли бу дарахтнинг баландлиги 35 метр, танасининг айланаси эса 31 метр. Сарвнинг узунлиги 22 метрдир.

Ботаниклар табиатнинг «ноёб ажойибот»и ўсиб турган дарахт пўстлоғи ёруғига «ўрмончи» қушлар бошқа дарахт уруғини ташлаб кетиши натижасида юзага келган бўлса ажаб эмас, деган тахминни илгари сурмоқдалар.

Бу антиқа дарахтнинг тут қисми ҳозир ҳам мева беради.

## УЧ КИЛОЛИ БОДРИНГЛАР

Бошқирдистондаги Салават Юлаев шаҳрида истиқомат қилувчи кекса кампир ҳовлисида етилган бодринг ҳосилини йиғиштиришга қўни-қўшнилар ҳам иштирок этдилар. Улар орасида шунчаки қизиқиш туфайли ташриф буюрганлар ҳам бўлди.

Бу ерда оғирлиги уч килограммдан ортиқ келадиган бодринглар етиштирилади. Уларнинг уруғи Вьетнамдан келтирилган.

Бодрингнинг бу тури Бошқирдистон тупроғида ўсишга ҳам мослашди. Уни худди ошқовоқ сингари қовурса ҳам, тузласа ҳам бўлаверади. Ундан тайёрланган икра жуда хуштаъмдир.

Ҳосили кунига уч-тўрт сантиметр ўсади. Унинг бир палаги 30 килограммгача ҳосил беради.

## МЎЪЖАЗ ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Жазоир мамлакатининг Мзаба водийсидаги Гардан шаҳрида сайр қилаётган киши кичик дўкон олдида «Саҳройи Кабирдаги бизнинг ҳайвонот боғимизга марҳамат қилинг» деган эълонга кўзи тушади.

Бундан 40 йил аввал чаёнлар ва заҳарли илонлар овчиси Ҳожи Аисса тасодифан саҳрода заҳарли илонга дуч келди. Шу-шу бўлди-ю, у илонлар ва чаёнларнинг хатти-ҳаракатига қизиқиш билан қарашга одатланди. Утган йилги ёз мавсумида 300 тага яқин илон, 150-200 та чаён томошабинларга кўрсатилди.

Бугунги кунда мазкур ҳайвонот боғида Жазоирда яшайдиган жониворларни, Африка мамлакатларига оид ҳайвонот оламининг намуналарини — павиан маймунларини, сўнакийикларни, тўнғиз, тулки ва туяни, товус, лочин, укки ва бошқа кушларни томоша қилиш мумкин.

Бурноғи йили ҳайвонот боғига бир жуфт шер келтирилди. Улар бинойидек ҳаёт кечиришяпти.

## ЎЛЖА ТУШМАСА ҲАМ

Канадалик олим Томас Моммсен баҳор чоғларида, ҳашаротлар ҳали кам пайтида ўргимчаклар ўзларини ғайритабиий тутишини пайқаб қолди. Уларнинг кўпчилиги ўлжа тушмаса ҳам, ўз уя толаларини тез-тез янгилаб туришади.

Ўргимчакларнинг бир тури устида кузатишлар олиб бориб, олим уларнинг уялари тўрига қўнган ўсимлик зарралари билан, асосан гулчанглари билан озиқланишини аниқлади.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

## ХАЗОНРЕЗГИЛИК



**Само**
**булутларга айланди,**
**япроқлар**
**омонат дийдирар.**
**Кўкрак қафасига**
**жойланди,**
**орзу отлиғ**
**эрка оҳулар.**
**Нигоҳлари**
**уфққа етиб,**
**«пишиб турган» чоллар**
**хурсинар.**
**Ахир куннинг**
**қуввати кетиб,**
**тун**
**эгарлиғ отига минар.**
**Эшик тутқичини**
**охиста**
**ушлайман.**
**Кўзларим тўнгади...**
**Билолмайман:**
**хазонни қистаб,**
**табиат нимани**
**енгади?!**

### БИР ҚАДАР

**Лутф этинг, жоно бир қадар,**
**Боқинг биз ёно бир қадар.**

**Ҳеч бўлмаса бир юз буринг,**
**Кўрган ҳамоно бир қадар.**

**Ташноға сув бермасангиз,**
**Берингиз маъно бир қадар.**

**Ҳолимизни кўриб кулур,**
**Нодону доно бир қадар.**

**Бу қадар зеболар ўлманг,**
**Бўлингиз раъно бир қадар.**

### ОШИҚ

**Ҳажринг туни бераҳнамо,**
**Ушшоқларга осон эмас.**
**Васлинг тилаб зор доимо,**
**Ошиқларга осон эмас.**

**Ҳар сим равон йўлдир қатор,**
**Ашки учун ахир такрор.**
**Қўлга олса танбуру тор,**
**Машшоқларга осон эмас(**

**Сенга аён ҳар анжуман,**
**Чароғондир кимлар билан.**
**Кўзинг тушса, пасту адан,**
**Ошиқларга осон эмас.**

**Сенингсиз хор бўлиб ётган,**
**Йўлингда зор бўлиб ётган.**
**Бир қадаминг тегмаётган,**
**Тупроқларга осон эмас.**

*Шоир инъоми*

### ҚАДР

**Қадр кетмай, ҳар жойдинким, кетмак керак,**
**Бу кўнгилга, армон етмай, етмак керак.**

**Эрк бир қушдир, боғлайверсанг илинжларга,**
**Билолмассан, ўзи неттинг, нетмак керак.**

**Бу анжуманда ҳар кимнинг ўз толеи бор,**
**Ҳар иш этсанг, инсоф билан этмак керак.**

**Умр учқун, илоҳийдин бир шарордур,**
**Сўниб битмай, ўтлиғ сўзлар битмак керак.**

### ИНСОФ ТИЛАБ



**Жоно, жамолу ҳуснинга инсоф керак,**
**Жонлар ахир озурдадир, қонда юрак.**
**Кўзларинг жаллодлари билгай қачон,**
**Кўзларимда дод этар орзу-тилак.**
**Лабларингким, устида ҳол ўйнатиб,**
**Лабларимни бир умр этмиш халак.**
**Оғзими, гар истаса, ёпмоқ учун,**
**Оғзинга баҳонадур сўзлар демак.**
**Юзларингнинг шуъласи куйдирса гар,**
**Юзинг яшашга бетламас, мушкул кўмак.**
**Инсоф тилаб, кўнгил айтур бекор эрур,**
**Инсофга ёр келса қачон, севдим демак.**

**Сотим АВАЗ.**

## АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

*Кураш*

Полвонлик ўлкамизда чуқур анъаналарга эга. Мустақиллик туфайли миллий кураш турларини ривожлантириш учун истиқбол эшиклари янада кенг очилди. Хусусан, ўзбек полвонлари тўғридан-тўғри халқаро мусобақаларга чиқиш, ўлкамизда турли баҳслар уюштириш имконига эга бўлишди.

Шаҳрисабзда буюк соҳибқирон Амир Темур, Термизда Ҳаким ат-Термизий, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд хотира турнирлари ва бошқа қатор мусобақалар ташкил этилганлиги бунга яққол далилдир. Ушбу нуфузли баҳслар қаторига яна биттаси қўшилди.

Шу йил 22-23 ноябрь кунлари «Узбекистон мустақиллиги» дея номланган эркин кураш бўйича биринчи халқаро турнир ўтказилади. Унда АҚШ, Польша, Туркия, Эрон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия, Арманистон каби давлатлардан кучли полвонлар иштирок этиши кутилмоқда.

Қатнашчилар саккиз вазн тоифаси бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришади. Совринга юз минг АҚШ доллари тикилган. Мамлакатимиздан 35 полвон юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилишади.

— Бундай нуфузли мусобақани ташкил этишни кўнгилга тукканимизга икки-уч йил бўлиб қолди, — дейди кураш бўйича республика ассоциацияси президенти Аҳрол Рўзиев. — Жаҳон кураш федерацияси тақлифларимизни обдан ўрганиб чиққач, ниҳоят, розилик берди ва «Узбекистон мустақиллиги» халқаро турнири энг нуфузли ўнта мусобақа рўйхатидан жой олди. Бу Ўзбекистонда кураш турлари, умуман спортни ривожлантиришга эътиборнинг халқаро миқёсда тан олинишидан яна бир карра далолатдир.

Ташкилотчиларнинг айтишича, ушбу мусобақани ўтказишдан мақсад йирик халқаро турнирлар уюштириш бўйича тажриба орттириш ва айни чоғда ёш, лаёқатли полвонлар сабоқ олишлари учун имконият яратишдан иборатдир. Шу мақсадда ҳар бир вилоятдан ўнтадан ёш полвонлар мураббийлари билан баҳсларга таклиф этиладилар.

Зеро, ҳозирги пайтда мамлакатимизда 500 спорт мактаби фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 200 тасида полвонлик бўлимлари мавжуддир. Бошқача айтганда, спортнинг кураш турларини ривожлантириш борасида ўлкамизда пухта замин яратилган. Агар халқаро майдонга чиқиш учун йўл очилса, полвонларимиз юртимиз довруғини оламга ёйишлари турган гап.

Олимпия шон-шуҳрати музейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам муфассал таҳлил этилди.

**Ш. АЛЛАМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

Тошкент Давлат аграр университети 06.01.11 — ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассислиги бўйича 1997 йил ҳисобига докторантурага ўрин йўқлигини эълон қилади.

* * *

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «Нурҳабиб» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Рапсодия Акватекс» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.




Пайн ва Пайн-Минтол —Жанубий Корея сигаретлари


Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ
Таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0735, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.